

## THE ROLE OF VOCAL ART IN HUMAN DEVELOPMENT THE IMPORTANCE OF AUDITORY AND ADJACENT ANALYZERS

Rakhmatov Iqboljon Izzatullo oglu

Master's degree from FarSU (Republic of Uzbekistan)

**Abstract:** The article examines the impact of the processes of hearing and accompanying emotions on the development of each person from birth to adulthood, which are important for the development of society.

**Keywords:** Vocal art, mother goddess, spirituality, taste analyzers, drum, endolymph

## ВОКАЛ САНЪАТИНИНГ ИНСОН КАМОЛОТИДА ТУТГАН ЎРНИ. ЭШИТИШ ВА УНГА ЁНДОШ БЎЛГАН АНАЛИЗАТОРЛАРНИНГ АҲАМЯТИ

Раҳматов Иқболжон Иззатулло ўғли

ФарДУ магистранти (Ўзбекистон Республикаси)

**Аннотация:** мақолада ҳар бир инсон тугилишидан то вояга етгунига қадар бўлган вақт мобайнида эшитиш ва ёндош ҳиссиётлари билан содир бўладиган жараёнларнинг киши камолотига таъсири, жамият тараққиёти учун муҳим бўлган жиҳатлари тадқиқ қилинган.

**Калит сўзлар:** вокал санъати, она алласи, маънавият, таъм билиш анализаторлари, ногора парда, эндолимфа.

Инсоннинг маънавий камолотида муҳим асосий омиллар булар жамиятдаги ижтимоий муҳит, ички одоб-ахлоқ, дин-этикод, халқнинг гўзал урф-одатлари, анъаналари, аждодларнинг қолдирган бебаҳо моддий ва маънавий бойликлари, халқнинг буюк тарихи каби жиҳатлар катта аҳамиятга эгадир. Бежизга улуг бобокалонимиз Абу Али ибн Сино “Инсон камолотоида уч унсур: ирсият, оилавий муҳит ва тарбия бирдек фаол йўлга қўйилсагина фарзанд келажакда ота-она умид қилганидай фозил бўлиб етишади”.<sup>1</sup>

Ўзбек халқи ҳам 2000 минг йилдан ортиқ шонли ўтмишига эга бўлган мўтабар азиз заминдир. Бизнинг боболаримиз - момоларимиз азалдан маънавиятли, илму маърифатли, хушфёъл, меҳмондўст ҳамда кўплаб сохаларда дунё цивилизацияси учун энг дастлабки илмий-ғоявий тафаккурлари билан барча халқларга ўрнак ва наъмуна бўлиб келганлиги айни ҳақиқат.

Тарихда буюк саркардаларимиз томонидан халқда ижод этувчи олимларни, илм-фан ходимларини, меъмор-хунармандларни, шоир ва санъаткорларни кадрлаганлиги, эъзозлаганлиги ҳам юқоридаги фикримизнинг яққол исботи бўла олади.

Авваламбор, ҳар бир инсон фарзанд тарбиясида боланинг она вужудида пайдо бўлган илк дақиқалардан она эшитиш, кўриш, ҳид ва таъм билиш анализаторларининг бажарадиган вазифасида ижтимоий жиҳатларга жиддий эътибор қаратмоғи лозимдир ва бу дунёга келажак фарзанд учун энг асосий ахборотлар манбааси сифатида хизмат қилади. Яъни бу қабул қилинадиган жиҳатларни инсон салбий ёки ижобийлигини англамоғи ва шу томонлама ҳамшиша назоратга олиб, унга мувоффиқ иш

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино “Мен англаган дунё” - Шарқ нашриёти., Тошкент.-2015й.

юритмоғи лозим. Бунга қадар ҳам туғилажак фарзанднинг ота-онаси анашу тамойилларга тўғри ва тўллик амал қилган бўлиши зарурдир.

Ушбу ҳолатларнинг фарзандлар камолоти учун асосий жиҳат эканлиги асрлардан буён ўз исботини топиб келмоқда. Булардан эшитиш ва тинглаш сезгисилари ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. Бунга изоҳ берадиган бўлсак, инсон сезги аъзоларининг нерв системаси орқали мияга ва ундан рухиятга ўтказадиган таъсири оқибатида қабул қилинаётган маълумотнинг қандай ижтимоий муҳимлик даражасида эканлигига қараб, унинг инсон камолитига қай жиҳатлама даҳилдорлиги белгиланади.

Ота - она ва жажжигина фарзанднинг иштирокида бундай илоҳий жараённинг қай даражада содир бўлишида онанинг ҳам ҳаёт тажрибасида қандай тарбияланганлиги-тобланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Негаки, она вужуди - фарзанд учун энг биринчи таълим маскани, ибрат ва наъмуна ўчоғи, ахбаротларнинг эса энг тез ва аниқ шунинг билан бирга сифатли узатилиши керак бўлган масъулиятли пайт эканлиги барчамизга маълумдир.

Буларга мисол тариқасида айтишимиз мумкинки, **ҳид билиш анализаторлари** атроф муҳитдаги газсимон кимёвий бирикмалар ҳидини сезишга имкон беради, бу ҳақда марказий нерв системасига хабар қилади, улар одам овқат ейишида катта аҳамиятга эга. Ҳид билиш ретсепторлари бурун бўшлиғи орқасининг юқори қисмида бўлади. Улардан чиқадиган нерв толалари ҳид билиш нерви толалари шаклида бошнинг ғалвирсимон суяги орқали унинг бўшлиғига ўтади. Ҳид билиш сўғонининг нейронлари билан боғланади. Бу катта яримшарларнинг пешона бўлаклари асосида жойлашадиган жуфт тузилмадир. Ҳид билиш сўғонлари ҳид билиш системасининг биринчи марказий бўлимидир.<sup>2</sup>

**Таъм билиш анализаторининг** инсон рухиятига таъсири учун фойдали ёки зарарли эканлигини айтадиган бўлсак, айрим инсонлар овқатланиш вақтида аччиқ қалампир бўлишини ёки одатдагидан кўра туз миқдори тановул қилаётган махсулотида бир оз кўпроқ - шўрроқ бўлишини истайди. Йўқса, уни танавул қила олмайди. Яъни аччиқ ёки чучук махсулотларга ўрганган кишиларда шу ҳол кузатилади. Бу каби инсонлар ҳаёт мобайнида нисбатан тузсизроқ ёки аччиқ бўлмаган таомларни хушлайдиганларга қараганда бироз кўрсроқ, жахилдорроқ, агрессивликка мойиллиги билан ажралиб турадилар. Таркибида кимёвий моддалар бор махсулотлар ҳам кўнгилсиз натижаларга сабаб бўлиши исботланган. Алкогол ичимликларнинг ҳам зарари ҳақида таъкидлаш ўринлидир. Бу турдаги махсулотларнинг истеъмолида инсон рухияти, тана саломатлиги жиддий зарар кўриши билан бирга фарзандлар камолотида ҳам энг хавфли душман сифатида қарашимиз даркор. Бундан кўриниб турибдики барча томонлама тоғри ва меъёрида фойдали бўлган махсулотларнинг инсон камолотида, тарбиясида аҳамияти беқиёсдир.

Ҳид билиш сезгисининг ҳам ҳудди шундай қиёсласак бўлади. Бунда айрим нозик жиҳатлар ҳам инобатга олинishi зарур. Масалан, ширин ҳидни хушламайдиган инсонлар ҳам орамизда топилади, бунда ҳар қандай хушбўйлик ортиқчадек, унга ёқимсиздек туюлади. Ёки жуда ўткир хушбўйликни хушлайдиган хилдаги кишиларни олайлик. Юқоридаги икки ҳолатдаги кишиларнинг дунё қарашлари деярли бир бирига яқин бўлади. Бунда ҳам юқоридаги фикримизни ечими сифатида яна бир бор таъкидлашимиз мумкинки, тўғри тартибда меъёр ҳамиша ҳам фойдали бўлиши айна ҳақиқатдир. Бу борадаги яна бир масалага тўхталиб ўтишимиз жоизки бу тамаки махсулотларининг инсон саломатлиги ва рухияти учун жуда катта зарардир. Ундан қанчалик инсон йироқда бўлар экан шунчалик яхши бўлади. Зеро бунинг зарари оқибатида туғиладиган фарзандларнинг аксарият қисмида асаб системасининг нормал эмаслиги ёки туғма ногиронлик ҳолатлари жуда кўплаб кузатиладиган фожияли жараёндир.

**Тинглаш-эшитиш.** Ҳаво тўлқинларининг ноғора пардага таъсири натижасида қулоқ эшитади. Ҳавонинг тебраниши ташқи эшитиш йўли орқали ноғора пардани тебратади. Ноғора парданинг тебраниши эшитиш суяқларида такрорланади ва узангининг сербар томони орқали ички қулоқнинг овар

<sup>2</sup> Ёшга оид физиология Л. С. Клемешева, М. С. Эргашев Тошкент <Ўқитувчи> 1991

дарчасидаги пардага ўтади. Овар дарча пардасининг тебраниши перелимфага ўтади. Перелимфа тебраниб, ўз навбатида эндолимфанинг тебранишига сабаб бўлади., эндолимфа тебраниб, Кортиев органидаги тукларни тебрантиради ва шу билан эшитиш нерви учларини кўзгатади.<sup>3</sup>

Бола туғилиши билан эшитиш анализатори ишлай бошлайди. Эшитиш анализаторининг функционал ривожланиши 6-7 ёшгача давом этади. 14 – 15 ёшда эшитиш сезгилари жуда сусаяди, сўнгра орта боради.<sup>4</sup>

Бунда ҳам юқоридаги қиёслашларнинг рамзий жиҳатлама бир бирига ўхшашлиги бўлиб, албатта мутаносибликни келтириб чиқаради. Бунда инсон ҳамиша ижобий руҳдаги, тарбиявий аҳаматга эга бўлган мазмундаги маълумотларнинг хоҳ бу сўзлашув жараёнида бўладими, хоҳ кино ёки хабарлар дастури ёки қўшиқ-ашулларда бўладими ва ҳоказо барчасида тинглаш аъзосининг фаолияти орқали қабул қилинадиган маълумотнинг бир қатор муҳим жиҳатларини билишимиз, бунинг талаб ва меъёрларига барча инсонларни чорламоғимиз зарурдир.

Бунинг учун энг аввало ҳомиладор она билан муносабатга киришувчи яқинларининг сўзлашув вақтида ҳам ҳамиша маданият ва ҳурмат билан, чуқур эҳтиром ила кадрлашларини изҳор қилган ҳолда сўзлашмоқликлари даркор.

Онанинг ўзи ўзига ва вужудида ривижланаётган фарзандининг келажакда комил инсон бўлиб улғайишида оҳанг орқали бериши мумкин бўлган энг қудратли ва энг бирламчи озуқа бу Қуръони Каримни тинглаш уни тиловат қилишдир.

Мусулмон оламида энг буюк муқаддас китоб Қуръони Каримнинг нақадар мўжиза эканлиги барчамизга аён бўлиб, уни тиловат қилиш ва тинглаш вақтида инсон қалбига сокинлик, хотиржамлик келиши, она вужудида ўсаётган фарзанднинг саломатлиги яхши хулқ, чин инсонийлик фазилятларининг шакилланишида энг муҳим омил бўлиб хизмат қилиши кўп асрлардан буён ўз исботини топиб келмоқда.

Одам фарзанди туғилиши билан Яратган Буюк Зоднинг иродасига кўра ирсий кўникма ҳиссобланмиш - ўз онасининг бағрига, кўкрак сутига талпинади, озиқланади. Бу жараён табиийки бахтиёр она учун дунёдаги энг гўзал ва энг азиз неъмат ҳиссобланади. Хурсандчилигининг чеки йўқ она эса ўз фарзандига биринчи ҳаёт таронаси бўлмиш сеҳрли алла таронасини айтиб, ўз бағридан кўним топтиради. Жажжи чақалоқ эса аллани тинглаган заҳотиёқ унинг оҳангига мафтун бўлиб қолади. Бунинг чинаккам олий неъмат эканлигини оналаримиз - аёлларимиз ҳис этади.

Барча халқларда, ҳусусан она туғилган фазандини ўзининг энг гўзал дил изхорини билдириб эркалайди, уни руҳан тарбиялайди ва тинч ором топишига ёрдам беради. Бизнинг ватанимизда ҳам оналаримиз ўз дилбандларига аллалар айтиб, камил инсон тарбиясидаги дастлабги пойдеворини сеҳрли алланинг орзу-умид, эркалаш-улуғлаш, тилак ва илтижо, панду-насихат маъносидаги тўртликлар ила гавдалантиради. Бежизга Шарқ мутафаккири, табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино чақалоқни она алласи орқали руҳияти, бешик тебраниши орқали эса жисмонан чиниқишини алоҳида таъкидлаб ўтмаган<sup>5</sup>.

Алла таронаси вақтида онанинг сўз бойлигида халқ оғзаки ижоди, аввал яшаб ижод этган шоирларнинг шеърлари, ижро этилган қўшиқ ва ашуллалар савиясининг таъсири сезилиб туради. Тилнинг сержилловлиги-сўзлардаги ҳиссий бўёқдор сўзларнинг синонимлари билан бойлиги, ижро этилаётган аллага янада жозоба бахш этади. Булардан она ҳамиша оқилона фойдаланиши зарурдир. Шундагина алла таронасининг асл мақсадига эришишида кенг имконият яратилади.

Алла айtilар пайт мўтабар - онанинг рухий ҳолати, барча ўй-фикрлари, нийятлари ва кечинмалари каби ажиб ҳислар жамланиб, жажжигина фарзанднинг озуқаси - она сутида ана шундай ҳиссиётга, куч-

<sup>3</sup> Ёшга оид физиология Л. С. Клемешева, М. С. Эргашев Тошкент <Ўқитувчи> 1991

<sup>4</sup> Ўқувчи физиологияси ва гигиенаси Қ. С. Содиков Тошкент <Ўқитувчи> 1992

<sup>5</sup> М.Н.Болтаев « Абу Али ибн Сина великий мыслитель. Учённый-энциклопедистсредневекового Востока». Москва 2002.

энергияга тўйинган, фарзанд учун бебахо бўлган роҳатбахш кўкрак сути фарзанднинг бутун вужудига сингади.

Онанинг алла ижросида майин ва нафис, мунгли ва дилбар, хорғин ёки ҳаётбахш ҳамда роҳатбахш оҳанги гўдакнинг қалбига жойлана бошлайди. Бунинг натижасида фарзанднинг руҳи, дили ҳамда вужудига инсон камолоти учун энг муҳим бўлган улуғвор меҳр-муҳаббат, виждон, ор-номус, садоқат сингари энг олийжаноб ҳислар жойлаша бошлайди ва шундай тарзда улғайган фарзандлар келажакда ўз ота-онасига, оиласига маҳалла-кўйига, ватанига, дўсту ёрларига чинаккам мард ва жасур, оқл ва доно, бунёдкор ва ташаббускор ўғил ва қизлар бўлиб етишишига ишончимиз комилдир.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда инсон манфаатларининг улуғланиши, миллий анъаналаримизнинг ва кадрларимизнинг қайта тикланиши, урф одатлар ва эътиқодимиздаги эркинликлар сабабли муҳтарам биринчи президентимиз Ислом Каримов томонидан олимларга, санъаткор ижодкорларга, шоир ва хофизларга, адибларга ҳам катта эътибор қаратила бошлади. Хусусан, бунда энг юқори эҳтиром соҳиблари деб санъаткорлар орасида хофизлар, кўшиқчи ва опера ҳонандаларни улуғланиши, уларни кўплаб рағбатлантирилиши фикримизнинг исботидир. Негаки, ватан равнақида инсон камолоти учун миллий рух, тўғри мафкуравий фикр ва ғоялар сингдирилган шеър-кўшиқ, ашулла ва юқори пардаларда ижро этиладиган классик йўналишдаги вокал мусиқа санъати асарлари муҳим омил ҳисобланади. Бугун, замонавий Янги Ўзбекистон ғояси мисолида тафаккур қилиб, вокал санъати қахрамонлари, унинг фидокор ижодкорлари, олимлари ва устозларининг олиб борган ва олиб бораётган ишлари албатта таҳсинга сазовордир. Мисол учун: миллий мумтоз ашуллагиларимиз, миллий кўшиқчилик, вокал–эстрада, эстрада ва опера жанрида ижод этган ва ижод этувчи халқ ардоқлаган санъаткорлаимизнинг асарларида инсон жамиятга, яшаётган масканига, ўзи туғилган ватанига, ота-онага, ака-ука, опа-синглисига, дўсту биродарига, қовму қариндошига нисбатан қалбида меҳр ва муҳаббат, ор-номус, самимийлик ва дилкашлик руҳининг шакилланишида муҳим рўл ўйнайди. Бу жанрларда жуда кўплаб халқ ардоғидаги санъаткорларнинг машаққатли меҳнати албатта юксак кадр ва эҳтиромга муносибдир. Уларнинг ижодлари халқ маънавий камолотида бебахо манбаа бўлиб хизмат қилишини бугунги таҳликали даврда керакли мақсадга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг “Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон” дея номланган гўзал шеърини Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова томонидан ижро этилган тарона ҳам Ўзбек халқининг кўнглидан чуқур жой олганлиги сир эмас. Унда шоирнинг:

Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,  
Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни,  
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,  
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.

Адойинг бўлгаймиз сени Ўзбекистон,  
Ҳеч кимга бермаймиз сени Ўзбекистон.  
Фидойинг бўлгаймиз сени Ўзбекистон,  
Ҳеч кимга бермаймиз сени Озбекистон

Асарнинг 3 асосий муҳим жиҳати: 1- матн, 2 – бастакор, 3 – ҳонанда. Буларда ўз соҳасининг мохир усталари профессионал тарзда ёндошганлиги, бугунги кунгача ўз кучини йўқотмаганида кўришимиз мумкин.

Матнни бастакор Юлдуз Усмонованинг вокал техник имкониятини ҳисобга олиб, унинг паст, ўрта ва авж пардаларининг ижросида инсон қалбига кириб борадиган мусиқий «олтин марказ»ни аниқ топа билганлигига амин бўламиз. Кўшиқда оркест, нақоратида хор жамоаси, ҳам яккахон ҳонанда учун оддий ва содда, тушунарли ва таъсирчан мусиқий характери инсон қалбига ўзининг ватанпарварлик,

олижаноблик, инсонийлик каби ҳислатларни ўзида мужассамлайди. Бу каби профессионал ижод этилган кўшиқлар ҳали ҳам тингловчиларнинг қалбидан чуқур жой эгаллаган деб бемалол айта оламиз. Бундай кўшиқларнинг инсон маънавий камолотида бениҳоят муҳим омил эканлигини, ватан равнақи учун улкан ҳисса қўшиши мумкинлигини бугун барчамизга аён дидир.

Ундай юқори сифатдаги кўшиқларнинг жамиятда, инсонлар ҳаётида ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бирламчи бўлиб хизмат қилади.

Лекин айрим кўштирноқ ичидаги “ижодкорлар” эса юрт равнақи йўлида ўз ҳиссасини эмас, балки бу йўлда жамиятдагиларнинг маънавий юксалишига салбий таъсир этиб, турли хил нохушликларга сабаб бўлишмоқда. Уларнинг воқал йўналишида яратаётган кўшиқ ва тароналарида кишини енгилтакликка, ҳаётнинг муҳим томонларини кўра билмасликка, инсон кадр қимматининг пасайишига олиб борадиган мантиқсиз-бачкана, паст савиядаги асарлар ватан равнақи кушандаси бўляпти десак муболаға бўлмайди. Чунки, ундай мафкуравий бузуклик билан паст фикр мулоҳазага эга бўлган дунёқарашдаги яратилган куй-кўшиқлар нтижасида жамият издан чиқиши, инсонлар бир бирига садоқатсизлиги, меҳр ва муҳаббатнинг азрон ҳис туйғуга айланишида, одамийлик туйғуларининг емирилишига олиб келадиган дахшатли фожия омили бўлиб хизмат қилиши турган гап.

Тўпланган далилларга хулоса сифатида бир қатор тавсияларни келтириб ўтамиз:

1. Ҳар бир инсон жамиятда ўз ўрнини топишда, ўзидан мана шу юрт учун соғлом, фидокор ва бунёдкор зурриёд қолдиришда энг аввало Яратувчини Буюк Зодни таниши, унинг буйруқларига итоаткор бўлиши, Қуръони илмини ўзлаштириши лозимдир.
2. Мухтарам президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: «Қуръонни эшитиш, эшита олиш юксак маънавият, маърифат. Қуръон ҳеч қачон ёмонликка даъват қилмайди. Агар Қуръони Каримни эшита олсак, эшиттира олсак бу муваффақият бўлади. Элимизга нур келади» - дея таъкидлашлари ҳам порлоқ келажакка қарата тўғри бўлган ишончли ундов десак айни ҳақиқат бўлади.
3. Ҳар бир оилада улғаяётган қизларнинг жамият таракқиёти учун гўзал тарбия ила вояга етказишимиз керак. Зеро улуғларимиз бежизга айтишмаганки: битта қизни тарбия қилдингми – жамиятни тарбия қилибсан – каби мазмундаги фикрлари бугунги кунда ҳам не чоғлик аҳамиятли эканини исботлаб турибди. Худди шунингдек ўғил фарзанд тарбиясида ҳам азиз ота - оналаримиз жиддий эътибор қаратмоқлари даркордир.
4. Болалиқданок миллий этик – эстетик тарбияларни сингдирмоғимиз даркор. Одамлар билан мулоқотда ҳам одоб ахлоққа жиддий қарамоқлик даркор. Қандай бадий асарларни мутоала қилиш, қандай шеър ёки ашулла – кўшиқ тинглаш каби жиҳатларнинг ҳам шакилланишида фарзандлар ота-оналари, устозлари ва унга масъул кишилар томонидан доимий назоратга олиниши шарт.

Сўз – илоҳий неъмат. Уни муқаддас тутиш, эъзозлаш азалдан мавжуд. “Авесто”да ёзилишича, комилликка “эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” орқали эришилади. Демак ҳар қандай эзгу сўзнинг негизида эзгу фикр, ҳар қандай сўзнинг натижаси эзгу амал (ҳаракат) бўлиши шарт. Сўз фақат ва фақат эзгулик учун хизмат қилиши лозим.<sup>6</sup>

Радио ва телевединияда ҳавола этиладиган куй-кўшиқ, концерт дастурларида бизнинг миллий кадрятларимизга зид бўладиган лавҳалардан йироқ бўлиши, ғарб мамлакатларида оммалашган – бузук ахлоқли асарларга кўр-кўрона эргашиши бутун жамиятда инсониятнинг залолатга ботишига сабаб бўлаётгани бугунги кунда ўз ифодасини топмоқда.

<sup>6</sup>Нотиклик Санъати М.И. Израил, Л.И. Ташмухаммедова Тошкент “Ношир” 2019

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абу Али ибн Сино “Мен англаган дунё”- Шарқ нашриёти., Тошкент.-2015й.
2. М.Н.Болтаев « Абу Али ибн Сина великий мыслитель. Учённый-энциклопедист средневекового Востока». Москва 2002.
3. Ёшга оид физиология Л. С. Клемешева, М. С. Эргашев Тошкент <Ўқитувчи> 1991
4. Ўқувчи физиологияси ва гигиенаси Қ. С. Содиқов Тошкент <Ўқитувчи> 1992
5. Нотиқлик Санъати М.И. Исраил, Л.И. Ташмухаммедова Тошкент “Ношир” 2019